

**МЕВА-САБЗАВОТ
МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШ ВА
ҚАЙТА ИШЛАШ УСУЛЛАРИ,
ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОРЛАРДА
ЯНГИ ҲОСИЛ ВА ҚАЙТА
ИШЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАРНИ
СОТИШ МАРКЕТИНГИ**



2017

ФЕРМЕР УЧУН ҚўЛЛАНМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ ТАРКИБИЙ
ҚАЙТА ТУЗИШ АГЕНТЛИГИ
“INTELLEKT MANAGEMENT» КОНСАЛТИНГ КОМПАНИЯСИ
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ “ЕҚСПРЕС-
ТЕХНОЛОГ” КОРХОНАСИ
“UNIVERSAL BUSINESS CONSULTING” КОНСАЛТИНГ
КОМПАНИЯСИ

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШ
ВА ҚАЙТА ИШЛАШ УСУЛЛАРИ, ИЧКИ ВА
ТАШҚИ БОЗОРЛАРДА ЯНГИ ҲОСИЛ ВА ҚАЙТА
ИШЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАРНИ СОТИШ
МАРКЕТИНГИ

Тошкент 2017

Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш усуллари, **ички ва ташқи** бозорларда янги ҳосил ва қайта ишланган маҳсулотларни сотиш маркетинги

Ўқув қўлланма.

Муаллиф:

А.Пўлатов

М.М.Мирзаев номли Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти Самарқанд илмий-тажриба станциясининг “Узумчилик селекция Маркази” раҳбари.

Қўлланма Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси иштирокидаги “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожланишини қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси доирасида деҳқон, фермер хўжаликлари вакиллари, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги корхоналарнинг ходимлари ҳамда ўрта махсус ва касб-ҳунар коллежи ўқувчиларига ўқув семинарлар ўтказиш учун мўлжалланган.

МУНДАРИЖА

1. Замонавий совуқхоналар ва уларда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш усуллари	4
2. Мева-сабзавотларни қуритиш технологияси	10
3. Қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотига маҳаллий ва жаҳон бозорида бўлган талабни ўрганиш	17
4. Маҳсулотни ташқи кўринишига, сифатига, қадоқланишига қўйиладиган бозор талаблари	25
5. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига маҳаллий ва халқаро стандартлар ва сертификатлаш шартлари	35
6. Янги ҳосил ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш	43
7. Сурхондарё вилоятида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш ҳажмларини кўпайтиришни қўллаб қувватлаш	49

ЗАМОНАВИЙ СОВУҚХОНАЛАР ВА УЛАРДА МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2016-2020 йилларда мева-сабзавотларни сақлаш бўйича моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари доирасида «Ўзбекизоқиқовқатзахира» уюшмасининг худудий компаниялари, фермер хўжаликлари ва бошқа корхоналар томонидан 64,6 минг тонна сиғимга эга бўлган 164 янги совутиш камераси ташкил этилди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Натижада йил давомида нархлар барқарорлигини таъминлаш, аҳолига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узлуксиз етказиб бериш, ушбу маҳсулотлар экспортини кенгайтириш имконияти яратилди.

Замонавий совуқхоналар бугунги кунда жуда ривожланиб кетиб, уларда сақланадиган мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш усуллари ҳам анча такомиллашди.

Ҳозирда, сақлашнинг янги усуллари қўллаган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотларининг сақлаш муддатини деярли 1 йилга чўзиш имконияти вужудга келди. Керакли микроиқлимни яратиш учун сунъий совуқ ҳавони ва вентиляция тизимини, микроиқлимни назорат қилиш функцияси бўлган тизимли совутиш ускунасини ташкил этиш керак бўлади.


Маҳсулотларни сақлаш температураси режими жихатидан саноат совуқхоналари ўрта температура (+15°C - 5°C) ва паст температура (-15°C - 25°C) лиларга бўлинади.

Совуқхоналарни иссиқликдан изоляция қилиш учун уч қаватли, пенополиуретандан қуйилган сендвич панеллар ишлатилмоқда. Бундай панелли совуқхоналар яна ўзининг

мустаҳкамлиги билан ҳам ажралиб туради ва йиғма кичик совуқхоналардан тортиб катта саноат совуқхоналарини қуришда ҳам ишлатилади.

Бугунги кунда, Италияда ишлаб чиқарилаётган совуқхоналар ўзининг сифатлилиги ва нархлари билан бошқалардан ажралиб турибди.

Керакли хароратни ушлаб туриш совуқхонанинг сифатига ҳам боғлиқдир, ҳозирда «моноблок» ва «сплит-тизим» ли совуқхоналар энг илғор технология ҳисобланади. Бундай совуқхоналарни, Италиянинг «Занотти» ва «Техноблок» компанияларитомониданишлаб чиқарилмоқда.



Моноблок – бу совуткич ускунаси бўлиб, у компрессор-конденсатор ва хаво совуткичдан ташкил топган. Бу моноблоклар девор қалинлиги 20 см.дан қалин бўлмаган биноларга ўрнатилади. Ушбу ускуналар ҳажми катта эмаслиги ва ишлатишда қулайлиги билан ажралиб туради, уларни бино ичкарасига ҳам ташқарисига ҳам ўрнатиш

мумкин. Шу билан бирга улар об-хаво $+40^{\circ}\text{C}$ бўлганда ҳам меъёрида ишлайди.

Сплит-тизими баландлиги унча баланд бўлмаган (низкий потолок) ва кичикроқ биноларга ўрнатилади. Сплит-тизимда ҳаво совуткич ва компрессор-конденсаторный алоҳида жойлашган бўлиб труба ёрдамида бирлаштирилади. Кўпинча компрессор-конденсатор бино ташқарисида, ҳаво совутгич бино ичкарасида жойлаштирилади.

Ўрта ҳароратли совутгичлар.

Ўрта ҳароратли совутгичлар ёрдамида хоҳлаган маҳсулотимизни сақлашимиз мумкин. Улардан гўшт-сут маҳсулотларини, мева-сабзавотларни ва бошқа маҳсулотларни совитиш ва сақлаш учун фойдаланилади. Уларда маҳсулотни сақлаш ҳарорат режими -5°C дан $+14^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилади.

Паст ҳароратли совутгичлар.


Паст ҳароратли совутгичлардан маҳсулотларни узок муддатга сақлашда вачукур совутишда (глубокой заморозки) фойдаланилади. Бунда маҳсулотлар ўз сифатини, таъминини ва холатини йўқотмаган холда узок муддат сақланиши таъминланади. Бундай совутгичларда ҳарорат режими -5°C дан то -35°C бўлиб, сақланаётган маҳсулотга қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб белгиланади.

Ривожланган ғарб мамлакатларида музлатилган маҳсулотларга бўлган талаб ошиб бориши натижасида, улар ўз музлаткичларини иложи борича кўпроқ муддатга етадиган қилиб маҳсулотлар билан тулдириб қуйиш одатлари туртки булмокда, чунки музлатилган маҳсулотлар анча вақтгача уз табиий хусусиятларини екотмай янгидай тураверади. Бу ўз навбатида, маҳсулотларни "шок" усулида, маҳсулот совуқхонада босқичма-босқич совутилмасдан, бирданига $-35-40$ даража совуқ ҳаво берилиб музлатилади. Натижада, 20-30 дақиқада маҳсулот керакли холатга келади

ва кадоқлашга ёки сақлашга олиб қўйилиши мумкин. Бу усулнинг яна бир афзаллиги шундаки, музлатилган маҳсулот ўзининг табиий таъми, фойдали хусусиятларини йўқотмайди ва энг мухими унинг массасидаги йўқотиш атиги 0,8 фоизни ташкил этади, анъанавий совутишда эса бу кўрсаткич 8-10 фоизни ташкил этади.

Музлатилган маҳсулот дарров қадоқланмаса, уни сақлаш камерасида -18 ҳароратда бир неча хафта давомида сақлаш мумкин.

Россиянинг "Технопул" компаниясининг "Флюдизация совуқхона"си соатига 1500 кг қувватга эга ва турли хил маҳсулотларни шок усулида музлатиш учун мукамал дастгоҳ ҳисобланади.



Қаттиқ қопламали пол, мустаҳкам каркас, хизмат курсатиш учун майдонча, транспортёрлардан маҳсулот тушиб кетмаслиги учун махсус турли девор қилинган бўлиб, диффузор ва датчиклар билан таъминланган юқори сифатли вентиляторлар ҳаво оқимини тўғри тақсимлайди.

Сабзавотларни совуқхонада сақлаш шариоти

Маҳсулот номи	Сақлаш ҳарорати	Намлик даражаси	Тахминий сақлаш муддати	Таркибидаги сув миқдори	Энг юқори музлатиш ҳарорати
					С
Ошқовоқ		%	%	%	С
	10./13	50-75	2-3 ой	91	-0,8
Булғор қалампери	қуритилгани	60-70	6 ой	12	
	ширин	90-95	2-3 ҳафта	92	-0,7
Брокколи карам	0	95-100	3-5 ҳафта	85	-0,8
Помидор	пишгани	90-95	1-3 ҳафта	93	-0,6
	кўк помидор				
	қаттиғи				
Музлатилган сабзавотлар	7./10	90-95	4-7 кун	94	-0,5
Сабзи	минус 23/18		6-12 ой		
	0	98-100	7-9 ой	88	-1,4
Кабачок	ёзги	85-95	5-14 кун	94	-0,5
	қишки				
Рангли карам	10./13	50-75	4-6 ой	85	-0,8
Сельдер	0	95-98	3-4 ҳафта	92	-0,8
Карам	0	95-100	6-8 ой	88	-0,9
Кўзиқорин	0	98-100	5-6 ой	92	-0,9
Петрушка	0	95	3-4 кун	91	-0,9
Лавлаги	меvasи	95-100	1-2 ой	85	-1,1
	барги	95-100	4-6 ой	88	-0,9
Картошка	0	95-100	10-14 кун		-0,4
Бақлажон	3./4	90-95	4-5 ой	81	-0,6
Бодринг	7./12	90-95	7-10 кун	93	-0,8
Саримсоқ пиёз (қуритилгани)	7./13	95	10-14 кун	96	-0,5
Пиёз (қуруқ)	0	65-70	6-7 ой	61	-0,8
Турп	0	65-75	1-8 ой	88	-0,8
Кўкатлар	0	95	4-5 ой	92	-1,1
	0	95-100	10-14 кун	93	-0,3

Меваларни совуқхонада сақлаш шариоти

Маҳсулот номи	Сақлаш ҳарорати	Намлик даражаси	Тахминий сақлаш муддати	Таркибидаги сув миқдори	Энг юқори музлатиш ҳарорати	
					С	
Олма	янги ҳосил	0/3	90-95	3-8 ой	84	-1,1
	қуритилган	5./9	55-60	5-8 ой	24	
Олхўри	минус 1/0	90-95	2-4 ҳафта	86	-0,8	
Анжир	қуритилгани	0/4	50-60	9-12 ой	23	
	янги ҳосил	минус 1/0	85-90	7-10 кун	78	-2,4
Ўрик	0/1	90-95	1-3 ҳафта	85	-1,1	
Гилос	нордон	0.	90-95	3-7 кун	84	-1,7
	ширин	минус 1/-0,5	90-95	2-3 ҳафта	80	-1,8
Узум	минус 0,5/0	90-95	1-4 ҳафта	85	-1	
Лимон	11./12	85-90	1-4 ой	89	-1,4	
Мандарин	4	90-95	2-4 ҳафта	87	-1,1	
Банан	13/14	85-90		75	-0,8	
Анор	4	90-95	2-3 ой	82	-3	
Апельсин	3./9	85-90	3-6 ҳафта	86	-1,3	
Шафтоли	минус 0,5/0	90-95	2-4 ҳафта	89	-0,9	
Нок	минус 1,6/-0,5	90-95	2-7 ой	83	-1,6	
Беҳи	минус 1/0	90	2-3 ой	85	-2	
Хурмо	0	90-95	1-3 ой	83	-2,2	
Олча	0	90-95	3-7 кун	85	-1,7	

МЕВА-САБЗАВОТЛАРНИ ҚУРИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Меваларни қуритиш - бу улардаги сувни чиқариб ташлаш жараёни бўлиб, бунда сувнинг мевадаги улуши 4-8 ва ундан куп мартага камаяди. Шу билан бирга, маҳсулотнинг таркибидаги қуруқ моддалар ва унинг энергетик қиймати ошади. Қуритилган маҳсулотдаги витамин миқдори 60-70%га сақлаб қолинади. Бу маҳсулотнинг афзаллиги шундаки, унинг саклаш муддати ошади ва уни ташиш осонлашади.



Қуритишнинг бир неча усуллари мавжуд бўлиб ва хозирда энг кенг тарқалганларидан конвектив, сублимация ва инфрақизил нурлар ёрдамида қуритишдир.

Қуритишда инфрақизил нурларни ишлатиш соғанинг энг истиқболли усулларида бири ҳисобланади. Бундай услубнинг мазмуни шундаки, атом ва молекулаларнинг ҳаракати жараёнида ҳосил бўлган нурланишни мева ўзига 6-12 мм. қабул қилиб олади ва иссиқлиги ёрдамида қуритиш жараёни рўй беради. Бундай услубнинг афзаллиги шундаки,

у меванинг фақат сувини йуқ қилади ва шунинг учун мевадаги таъм ва керакли хусусиятлар сақланиб қолади ва бу паст ҳароратларда ҳам қуритиш имконини беради. Охир-оқибат, меванинг бошланғич ранг ва таъми сақлаб қолинади.

Қуритишнинг конвектив усулида иссиқликни қуритилаётган маҳсулотга таъсири, иссиқ ҳавони ҳаракати ва уни қуритилаётган маҳсулотни парланиши натижасида чиқадиган намлик билан аралашини туфайли эришилади. Бу усул билан қуритиладиган мева-сабзавотлар кичик бўлақлар гранула ва кукун шаклида бўлади. Бу усул билан мева-сабзавотлар қуритилганда, иссиқлик манбаи бўлиб қиздирилган ҳаво хизмат қилади.

Сублиматив қуритиш - музни маълум шароитларда буғланиб кетишига асосланади.

Сублиматив қуритиш, анъанавий консервация усулларига нисбатан қуйидаги афзалликларга эга:

- совутиб сақлашга эҳтиёж йўқ, чунки қуруқ маҳсулотлар узоқ вақт плюс ҳароратда туриши мумкин;

- қуритилган маҳсулотнинг массаси камаяди, шундан келиб чиқиб, ортиш-тушириш ишлари ва ташиш харажатлари камаяди;

- реализация тизими соддалашади ва муддати узаяди;

- таъми унчалик узгармайди.

Сублиматив қуритиш учун иккита шартни бажариш керак:

- қаттиқ агрегат ҳолатида маҳсулотда намликнинг асосий қисми булиши (70% кам эмас);

- буғнинг парциал босимини атроф-муҳитдаги керакли тафовутини ушлаш.

Сублиматив қуритиш, атроф муҳитдаги буғ босими А

учлик нуқтасидаги босимдан паст бўлгандагина мумкин бўлади. Бунда, муз, суюқликка айланмасдан, биратўла бугга айланади ва атроф-муҳит билан ассимиляция бўлади.

Қуришти жараёнида, буғланиш ҳудудига иссиқликни фазавий ўзгаришини компенсациясига етарли даражадаги энергия бориши керак. Буғланиш ҳудудига иссиқликни етказиш, шу ҳудуднинг маҳсулотнинг ичкарига ҳаракати давомида қийинлашиши мумкин. Қуриган маҳсулотда пайдо бўлган қатлам буғнинг буғланиш ҳудудидан маҳсулот юзасига ва иссиқликнинг буғланиш ҳудудига берилишига ҳалақит беради.

Мева-сабзавотларни қуриштида кўпроқ конвектив қуришти мосламаларидан фойдаланилади.

Конвектив қуришти мосламалари қуйидагича таснифланади:

тури бўйича - ҳаво ёрдамида, қуришти камерасидаги босим бўйича - атмосфера босими еки вааккум;

ҳаво ҳаракатланишига таъсир қиладиган босимни ҳаракатга келтириш бўйича - табиий еки суъний;

ҳаракатни характери бўйича - услуксиз ҳаракатланувчи (конвеерли, шахталик) ва давомий ҳаракатланувчи;

конструкцияси бўйича - конвеерли, туннелли, камерали, шахтали;

калориферларни тури бўйича - пар билан, олов билан.

Ҳозирги кунда мева-сабзавотларни қуриштида купроқ пар ёрдамида ишлайдиган конвеерлик конвектив қуришти мосламаларидан фойдаланилади. Булардан энг қувватли ва эффективлари - ҳаво ёрдамида, атмосфера босимли, ҳаво айланлишига суъний таъсир кўрсатиладиган, услуксиз ҳаракатланувчан, пар ёрдамида ишлайдиган конвеерлик конвектик қуришти мосламаларидир.

Туннелли қуришти дастгоҳи сабзавот, мева, резавор, қўзиқорин, ёнғоқ ва тайёр доривор ўсимликларни қуришти учун мулжалланган. Ишлаш принципи: қуришти дастгоҳига, маълум бир вақт орасида, маҳсулот хилига қараб вагонеткаларда тўхтовсиз киритиб туриш.

Туннелли қуришти дастгоҳининг конструкция замонавий қилиб ишланган. Ўрнатиш, ишлатиш ва хизмат кўрсатиш осон бўлишига алоҳида эътибор берилган.

Дастгоҳ қуйидагича ишланган:

- ушлаб туривчи конструкция оддий пулатдан қуйилган;

- дастгоҳ, паст даражада жойлашган ишчи туннелдан ва унинг устида жойлашган энергетик туннелдан ташкил топган;

- энергетик туннелда табиий газ, мазут, буг ёки иситиш мосламаси ёрдамида иситиладиган иситувчи жойлашган;

- алоҳида ҳолатларда, қаттиқ ёкилғида ишловчи иситиш мосламаси қуйилиши мумкин;

- қуриштига мулжалланган маҳсулотлар жойланган вагонетка пастки туннел орқали ҳаракатланади. Пастки туннел орқали ҳаракат қўлда бажарилади. Алоҳида буюртма бўйича, вагонеткаларнинг механик ҳаракатланишини ўрнатиш мумкин;

- вентиляторда, иситувчи орқали ҳавонинг қайта циркуляцияси амалга оширилади;

- ишчи туннелга кириш ва чиқишида, маҳсулотнинг қуруқлиги ҳақида маълумот берувчи тарозилар жойлашган;

- ҳамма вагонлар кодлар билан таъминланган, унда, вагонетка раками ва хомашё маълумотлари киришида ва чиқишида, маҳсулот ҳолати билан биргаликда киритилади.

Янги, замонавий ечим вагонеткалар учун рельсларни талаб қилмайди. Вагонеткаларнинг мобиллиги мах-


сус аравачалар билан таъминланади. Бу айниқса, қуритиш дастгоҳи турли хил маҳсулотларни қуритишда ишлатилаётганда муҳимдир, чунки, улар турли технологик линияларда тайёрланади ва уларни хаммасини қуритиш дастгоҳига улаш қийинчилик туғдиради. Қуритиш дастгоҳи тўғри ва тесқари йўналишда ишлатилиши мумкин.

Бошқарув электрошкафи автоматик ва механик бошқарув билан жиҳозланган бўлиб, у қуритиш дастгоҳи билан биргаликда етказиб берилади. Унда, ишчи хароратни, ҳаво тезлигини ва ҳаво намлигини сошлаш мумкин. Яна маҳсулот оғирлигини қуритиш бошида ва охирида ўлчайди ва унга асосан маҳсулотнинг қуруклик даражаси аниқланади. Хамма маълумотлар, электрошкафта жойлашган процессорга юкланади.

Вагонеткалар зангламайдиган пулатдан қуйилган.

Иситувчи оловга чидамли, зангламайдиган пулатдан қуйилган.

Туннелнинг деворлари ишчи температура 120 даражагача чидамли бўлган сендвич-панеллардан қурилган.




Конвейерли қуритиш дастгоҳи.

Бу дастгоҳ, конвекция принципи бўйича ишлайди, яъни маҳсулотга иссиқ ҳавони пулкаш орқали ишлайди. Ҳаво қуритиш камерасининг ичида айланади. Конвейерли қуритиш дастгоҳининг яна бир хили нурлантириш орқали ишлайди. Дастгоҳнинг сифими унга жойлаштирилган маҳсулотларнинг миқдори билан белгиланади. Қуритишда яхши натижага эришиш учун дастгоҳга бир хил таркибли маҳсулотларни жойлаштирган маъқул.

Дастгоҳнинг асосий элементларидан бўлган, лента, одатда катта ҳажмда бўлиб, бўйи 10 метргача, эни еса 3 метргача етиши мумкин. Бундай ўлчамлар, катта миқдордаги маҳсулотни қуритишга имкон беради. Агар корхона тўлик автоматлаштирилган бўлса, конвейерли қуритиш дастгоҳи, одатда, ўрнатилган булади ва тўхтамасдан ишлаши учун бошқа дастгоҳлар билан комплект бўлади.


Маҳсулотни қуритиш 3 босқичда амалга оширилади, бошида маҳсулот оддий қиздирилади, юқори хароратга ўрганиши учун, бу босқич 12 соатча давом этади. Қуритишнинг кейинги босқичида иситиш 50 даражагача олиб чиқилади ва бу жараён 10 соат давом этади. Охириги босқичда, қиздириш ўзининг юқори чўққисига чиқиб, 80 даражагача боради ва бу жараён 8 соат давом этади.



Камерали қуритиш дастгоҳи.

Бу дастгоҳда қуритиладиган маҳсулот бир ёки бир нечта камерага ўрнатилган жавонларда қимирламасдан туради. Вентиляторлардан сурилувчи ва калориферларда қиздирилган ҳаво маҳсулот устидан, жавонлар орасидан ўтади.

Дастгоҳмева, сабзавот, қўзикорин, макарон маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотларни қуритишда ишлатилади.



Қуритиш учун тайёрланган технологик хомашё тенг равишда лотокларга тахланади. Лотоклар, қуритилмокчи бўлган маҳсулотдан келиб чиққан ҳолда, тегишли материаллардан тайёрланади. Лотоклар параллел равишда ўрнатилган консолларга ёки алюмин аравачага ўрнатилади. Электрик иситгичлар ёрдамида қиздирилган, лотоклар орасида айланаётган иссиқ ҳаво оқими ёрдамида хомашёни илк қиздириши бошланади кейин эса намлигини олиш жараёни кечади. Камерадаги хавонинг намлиги ортган пайтда, сўрувчи клапан орқали хавонинг бир қисми

ташқарига сўриб олинади ва ўрнига худди шу миқдорда тоза ҳаво қуритиш камерасига сўриб олинади. Киритилган ҳарорат параметрлари ва ҳаво намлигини созлаш автоматик равишда амалга оширилади.

ҚАЙТА ИШЛАНГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТИГА МАҲАЛЛИЙ ВА ЖАҲОН БОЗОРИДА БЎЛГАН ТАЛАБНИ ЎРГАНИШ

Ҳаммамизга аёнки, етиштирилган маҳсулотни қайта ишлаш, фермер хўжалигига салмоқли даражада қўшимча маблағ олиб келади. Хўш, фермер хўжалигида қайта ишлашни ташкил қилиш учун нималар қилиш керак бўлади?



Биринчи навбатда хўжаликда етиштирилаётган маҳсулотлардан бири ё бир нечтаси ёки бир нечта турдош маҳсулотларни қайта ишлаш бўйича қарор қабул қилинади. Бундай қарор қабул қилишдан олдин, қайта ишланиши кўзда тутилган маҳсулот обдон ўрганилади;

– ушбу хом-ашёни қайси тури етиштирилади, уруғи қаердан олинади, хосилдорлиги қандай бўлади, бир мавсумда қанча маҳсулот етиштирилади ва уни таннархи қанча бўлади ва ҳоказо.

Бундан кейин ушбу хом-ашёни қайта ишлаш жараёнини ташкил қилиш бўйича қуйидагилар ўрганилади:

– қайта ишлашни ташкил қилиш учун қандай технологиядан фойдаланилади ва шу технологияга мос дастгоҳлар харид қилинади, улар қандай молиялаштирилади ва бу ишлаб чиқаришда ишчи-ходимлар масаласи қандай ҳал қилинади ва ҳоказо.

Кейин ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотни бозорга олиб чиқиш учун қилинадиган ишлар ўрганилади:

– тайёр маҳсулот қандай сертификатланади, маҳсулотни сотиш қандай ташкил қилинади ва ҳоказо.

Юқорида қайд қилинганларни яхшилаб ўрганиб, унинг натижасида юқори сифатли, ички - ташқи бозорга йўналтирилган маҳсулот чиқара олсак, демак юқорида қайд этилган шартларни бир қисмини бажарилишига эришамиз. Юқори сифатли, ички - ташқи бозорга йўналтирилган маҳсулотни ишлаб чиқариш бу корхонани юксак ютуғи дейиш мумкин.

Шу билан бирга олдимизда тезда ҳал қилиниши керак бўлган жуда катта муаммо пайдо бўлади – бу шу маҳсулотни сотилиши. Маҳсулотни ички бозорда ўз ўрнини топишига эришиш учун қуйидагиларни ўрганишимиз талаб этилади:

– қайта ишланиши кўзда тутилган маҳсулотга бўлган ички бозордаги талабни ўрганишда қуйидагиларга аҳамият берилади:

- бозорнинг катта-кичиклиги, ўсиши;
- худуддаги аҳолини сони, харидорларнинг эҳтиёжи

ва молиявий имконияти;

– талаб ва таклиф ўртасидаги тафовут, шундай маҳсулотларнинг бозордаги улуши.

Қайта ишланиши кўзда тутилган маҳсулотни ташқи бозорга экспорт қилишда эса, бу билан боғлиқ бир мунча муаммоларга дуч келиш мумкин.

Янги узилган мева-сабзавот маҳсулотларини ўз сифатини сақлаган ҳолда ва қуритилган мева-сабзавот маҳсулотларини бошқа ўлкаларга етказиб беришдаги муаммолар, биринчи навбатда йўл узоқлиги ва йўлдаги кўзда тутилмаган ҳолатлар сабабли йўқотишлардан, етиб боргунча бўладиган йўқотишлардан, сифати ва стандартларга тўғри келмаслиги сабабли йўқотишлардан ва ҳоказолардан иборатдир.

Шу билан бирга кўпроқ етиштирилган маҳсулотларни мазасига, пишиб етилганлигига ва витаминга бойлигига эътибор берилган бўлса, ҳозирги кунда юқоридаги кўрсаткичлардан ташқари яна маҳсулотни экологик тозалилигига, шаклига, ўлчамига ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Олдин маҳсулотни сифатини эзилмаганлиги, фарқ пишганлиги аниқлаган бўлса, ҳозирги кунда эса бу кўрсаткичлардан ташқари уни ташқи кўриниши ва қандай қадоқланганига ҳам аҳамият берилаяпти. Бу фикрни тўғрилигини исботлаш учун қуйидагиларга эътибор бериш кифоя.

Мантиқан, иссиқ, қуёшли ўлкаларда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари совуқ, шимолий ўлкаларда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан мазали, тўйимли ва витаминларга бой. Бу тасдиқ талаб қилинмайдиган аксиомадир.

Лекин ҳозирги кунда шимолий ўлкаларда етиштирилган мева-сабзавотлар ҳам жаҳон бозорида ўз ўрнини топаяпти ва уларга бўлган талаб ҳам ошаяпти. Бунга бир

томондан аҳоли сонини кўпайиши сабаб бўлса, иккинчи томондан ушбу маҳсулотларга бўлган, биз юқорида тилга олган харидорларни бугунги кундаги талаблари асос булаяпти.

Агар сифат ҳақида гапирадиган бўлсак, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш бозор шароитида ўзига зарарлигини кўпчилик ишлаб чиқарувчилар аллақачон тушуниб етганлар.

Демак биз ўзимиз етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини дунё бозорида сотишни ҳоҳласак, қайд қилинган талабларни бажарилишини таъминлашимиз керак. Шу билан бирга, ташқи бозорга кириб бориш учун, фермер хўжалиги етиштирган ва қайта ишланган маҳсулотини экспорти учун бозорларни аниқлаши, рақобатчиларни белгилаб олиши, ушбу бозор талабларига мос келган равишда ўз маҳсулотини ишлаб чиқариши, бозорга кириш стратегиясини ва самарали ишлаш усулини аниқлаб олиши керак бўлади. Экспорт қилиш жараёнида фермер хўжалиги кўпроқ изланишларни олиб бориши керак бўлади. Чунки экспортни амалга ошириш учун куйидагиларни батафсил ўрганиш талаб этилади:

– экспорт қилиниши кутилаётган мамлакатнинг иқлими, аҳолисини даромадлари, миллий анъаналари ва диний эътиқодлари;

– тарифлар, квоталар ва нотариф тўсиқлар ҳамда давлат савдо чекловлари, мамлакатнинг қонунчилик тизими (савдо ва тижоратга тегишли);

– экспорт қилиниши мўлжалланаётган мамлакатда маҳсулотга бўлган талаб, рақобатчи маҳсулотлар ва савдо белгиларининг афзалликлари, қадоқланиш сифати, харидорларнинг танловига таъсир кўрсатадиган бошқа омиллар.

Маҳсулотни ташқи бозор шарт-шароитлари билан

мослигини баҳолашда куйидагиларга эътибор қаратиш тавсия қилинади:

– маҳсулот сифатига куйиладиган талаблар - сифат ва хавфсизлик стандартлари;

– техник хусусиятлар - таклиф этилаётган маҳсулотни маҳаллий бозордаги турдош маҳсулотларга нисбатан афзалликлари ва шу бозор талабларига жавоб бериши;

– нарх-наво - экспорт қилинаётган маҳсулотни нархини оширишга ёки пасайтиришга таъсир этувчи омиллар ва уларни ўз навбатида янги бозорларга киришдаги таъсири;

– муқобил фойдаланиш - хорижий эҳтиёжларни ички эҳтиёжлардан фарқ қилиши натижасида экспорт қилиниши кўзда тутилган маҳсулотлар хусусиятларини ўзгартирилиши;

Халқаро бозорда муваффақиятга эришиш учун халқаро савдодаги фаолиятни камида беш йилгача бўлган муддатга ва унданда узоқ муддатларга режалаштириш керак.

Сифат - муҳим жиҳатдир. Халқаро бозорга тавсия этилаётган маҳсулотларнинг сифати шу бозор стандартларига тўлиқ жавоб бериши керак.

Экспортни амалга оширишда энг муҳим омиллардан бири нарх-наводир. Нарх-наво стратегиясисиз қўйилган мақсадга эришиш жуда қийин.

Стратегиядаги муҳим босқич - бу нархнинг шаклланиши ва бозорга йўналтириш режаларини ишлаб чиқилишидир. Нарх белгилашнинг уч усули мавжуд.

Маҳсулотнинг ички нархини асос сифатида олиб, маҳсулотни қадоқлаш, жўнатиш ва суғурталаш каби қўшимча харажатларини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш.

Ишлаб чиқариш ва экспорт билан боғлиқ харажатлар қийматига, маҳсулотнинг таннари ва сотув нархлари ўртасидаги фарқни таъминлаш учун қилинган харажатларни қўшиш ҳисобига умумий нархни белгилаш.

Нисбатан арзон хом-ашёни ишлатиш, маҳсулотни соддалаштириш ёки маркетинг дастурини ўзгартириш ҳисобига маҳсулот сифатини маълум даражага пасайтириш ҳисобига нархни белгилаш.

Нарх-навони белгилаш экспортчи корхона ихтиёрида. Мазкур масала бўйича қарор чиқаришда мавжуд бўлган маълумотлар ва экспорт стратегиясига таяниш лозим.

Ташқи бозорга маҳсулот чиқаришнинг яна бир йўли брендлар технологияси асосида (франчайзинг) маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Бунинг учун жаҳон бозоридаги машҳур брендлардан бири билан шартнома тузилади, брендинг шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш – бу ҳозирги кундаги энг мураккаб масаладир. Корхона ишлаб чиқарган маҳсулотини сотиш учун қандай йўл тутиши керак бўлади, шу масалани батафсил ўрганиб чиқамиз.

Ички ва ташқи бозорга ўзимизни маҳсулотни қандай қилиб олиб кирамиз?

Буни амалга ошириш учун ҳамкорлар топишимиз керак бўлади ва бу ҳамкорларни биз билан ишлашга кўндира олишимиз керак бўлади.

Ҳамкорлар кимлар бўлиши мумкин ва уларни қандай топамиз?

Ички бозорда – тегишли ташкилотларга тегишли омборхона ва музлатгичларга эгалик қилувчи, кўтара савдо корхоналари, улгуржи савдо корхоналари, савдо шаҳобчалари, фирма дўконлари ва бозорлардаги индивидуал

тадбиркорлар.

Ташқи бозорда эса – чет давлатларга маҳсулот чиқариш ҳуқуқига эга экспорт корхоналари, чет эл импорт корхоналари, чет элдаги тармоқ дўконлари ва бошқалар.

Бундай корхоналарни топиш ва улар билан алоқа ўрнатиш учун ўзимизда ва чет элларда бўладиган кўргазмаларда иштирок этамиз, мамлакатимиздаги чет эл элчихоналари ва савдо ваколатхоналари билан алоқа ўрнатамиз, рекламадан унумли фойдаланамиз.

Энди шу ҳамкорларни биз билан ишлашга қандай қилиб кўндираамиз?

Биринчи навбатда биз ишлаб чиқарган маҳсулот сифати, қадоқланиши ва дизайни бўйича ўша бозорлардаги шу турдаги маҳсулотлардан қолишмаслигини исботлашга ҳаракат қиламиз.

Иккинчидан, маҳсулотимизнинг нарх-навоси бўйича стратегиясини тушунтираамиз. Дунёнинг кўп мамлакатларидаги харидорлар кўп ҳолларда бренд маҳсулотларни эмас, кўпроқ ушбу брендлар остида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ва ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқарилган компаниялар маҳсулотларини кўпроқ харид қиляптилар. Чунки уларнинг нархи ҳақиқий бренд маҳсулотларникидан бир мунча арзон, сифати эса қолишмайди.

Учинчидан, маҳсулот рекламасини йўлга қўйишни таъминлаш керак.

Ҳозирги кунда маҳсулот харидоргир бўлиши учун, маҳсулотнинг нарх-навоси билан бирга реклама ҳам жуда ката рол ўйнайди.

Реклама – бу ҳалқаро ва ички бозорларда чет эллик ва миллий харидорларни товар ва хизматлар билан таништириш мақсадида бу товар ва хизматлар хақидаги

Ишлаб чиқариш ва экспорт билан боғлиқ харажатлар қийматиغا, маҳсулотнинг таннари ва сотув нархлари ўртасидаги фарқни таъминлаш учун қилинган харажатларни қўшиш ҳисобига умумий нархни белгилаш.

Нисбатан арзон хом-ашёни ишлатиш, маҳсулотни соддалаштириш ёки маркетинг дастурини ўзгартириш ҳисобига маҳсулот сифатини маълум даражага пасайтириш ҳисобига нархни белгилаш.

Нарх-навони белгилаш экспортчи корхона ихтиёрида. Мазкур масала бўйича қарор чиқаришда мавжуд бўлган маълумотлар ва экспорт стратегиясига таяниш лозим.

Ташқи бозорга маҳсулот чиқаришнинг яна бир йўли брендлар технологияси асосида (франчайзинг) маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Бунинг учун жаҳон бозоридаги машхур брендлардан бири билан шартнома тузилади, бренднинг шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш – бу ҳозирги кундаги энг мураккаб масаладир. Корхона ишлаб чиқарган маҳсулотини сотиш учун қандай йўл тутиши керак бўлади, шу масалани батафсил ўрганиб чиқамиз.

Ички ва ташқи бозорга ўзимизни маҳсулотни қандай қилиб олиб қирамиз?

Буни амалга ошириш учун ҳамкорлар топишимиз керак бўлади ва бу ҳамкорларни биз билан ишлашга кўндира олишимиз керак бўлади.

Ҳамкорлар кимлар бўлиши мумкин ва уларни қандай топамиз?

Ички бозорда – тегишли ташкилотларга тегишли омборхона ва музлатгичларга эгалик қилувчи, кўтара савдо корхоналари, улгуржи савдо корхоналари, савдо шаҳобчалари, фирма дўконлари ва бозорлардаги индивидуал

тадбиркорлар.

Ташқи бозорда эса – чет давлатларга маҳсулот чиқариш ҳуқуқига эга экспорт корхоналари, чет эл импорт корхоналари, чет элдаги тармоқ дўконлари ва бошқалар.

Бундай корхоналарни топиш ва улар билан алоқа ўрнатиш учун ўзимизда ва чет элларда бўладиган кўргазмаларда иштирок этамиз, мамлакатимиздаги чет эл элчихоналари ва савдо ваколатхоналари билан алоқа ўрнатамиз, рекламадан унумли фойдаланамиз.

Энди шу ҳамкорларни биз билан ишлашга қандай қилиб кўндираемиз?

Биринчи навбатда биз ишлаб чиқарган маҳсулот сифати, қадоқланиши ва дизайни бўйича ўша бозорлардаги шу турдаги маҳсулотлардан қолишмаслигини исботлашга ҳаракат қиламиз.

Иккинчидан, маҳсулотимизнинг нарх-навоси бўйича стратегиясини тушунтирамиз. Дунёнинг кўп мамлакатларидаги харидорлар кўп ҳолларда бренд маҳсулотларни эмас, кўпроқ ушбу брендлар остида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ва ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқарилган компаниялар маҳсулотларини кўпроқ харид қилаяптилар. Чунки уларнинг нархи ҳақиқий бренд маҳсулотларникидан бир мунча арзон, сифати эса қолишмайди.

Учинчидан, маҳсулот рекламасини йўлга қўйишни таъминлаш керак.

Ҳозирги кунда маҳсулот харидоргир бўлиши учун, маҳсулотнинг нарх-навоси билан бирга реклама ҳам жуда ката рол ўйнайди.

Реклама – бу ҳалқаро ва ички бозорларда чет эллик ва миллий харидорларни товар ва хизматлар билан таништириш мақсадида бу товар ва хизматлар хақидаги

ахборотдир. Рекламанинг бевосита стратегияси сотув функциясини бажариш, маълум бир товарга халқаро талабни фаоллаштириш ва бозорни кенгайтиришдан иборат. Реклама товарнинг барча босқичларида - унинг юзага келиши, тайёрланиши ва халқаро бозорларда пайдо бўлишидан то янги товар томонидан сиқиб чиқарилишигача ҳамроҳлик қилади. Бунда у турли ҳил, масалан, таништирув, ишонтирув, эслатув, тушунтирув каби функцияларни бажаради. Ахборотни тарқатиш ва истеъмолчига таъсир кўрсатиш каналларига кўра рекламани қўйидаги турларга тақсимлаш мумкин: теле ва радиорекама, газета ва журналлардаги эълонлар, ташқи реклама ва хоказо. Рекламани ишлаб чиққанда, рекламанинг қайси мамлакатга мўлжалланганидан келиб чиқиб қўйидагиларга эътибор қаратиш керак бўлади:

- мамлакат ёки минтақанинг географик жойлашуви, иқлими, давлат тузилиши, таълим тизими ва маданий кадриятлари, тили, дини, инфратузилмаси, тижорат ва ахборот шароитлари харидорлар одатлари ва бошқалар.

- Реклама воситалари турли мамлакатларнинг хусусиятларини - ҳажми, ранги ва матнини ҳисобга олиши лозим.

Кўргазма ва ярмаркаларда иштироқ этиш халқаро бозорда жуда катта фойда беради, чунки:

ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар ўртасида алоқа ўрнатади, бунда шахсий муносабатлар катта рол уйнайди;

рақобатчилар ҳақида бевосита маълумотга эга бўлинади; соҳадаги янгиликлардан, йўналишлардан бевосита хабардор бўлади;

давонида маҳаллий агентлар иши бевосита амал қилинади.

Кўргазма ва ярмаркаларда маҳаллий агентларнинг бўлмаслиги фирма техник ва молиявий қийинчиликларга учраган ва унинг товарлари рақобатбардош эмас деб ҳисобланишига олиб келади. Таъминотчилар хавотирга тушадилар ва ўйланиб қоладилар, рақобатчилар эса бундан ўз позицияларини кучайтириш учун фойдаланиб қолишга ҳаракат қиладилар.

МАҲСУЛОТНИ ТАШҚИ КЎРИНИШИГА, СИФАТИГА, ҚАДОҚЛАНИШИГА ҚЎЙИЛАДИГАН БОЗОР ТАЛАБЛАРИ

Маҳсулот чет эл бозорида рақобатбардош бўлиши ва ўз ўрнини топиши учун ишлаб чиқарувчининг стратегияси ҳамда маҳсулотнинг сифати, турланиши, ўралиши, тамғаланиши, дизайни асосий рол уйнайди.



Маҳсулот дизайни ташқи бозорга чиқарилувчи

маҳсулот номи, шакли ва рангини танлашдан иборатдир. Экспорт маҳсулот дизайни кўп жихатдан мамлакат аҳолисининг маданий ва диний хусусиятларидан келиб чикиб белгиланади. Дизайн бўйича қарор қабул қилишда мамлакат аҳолисининг урф-одатлари, тили - дини ва бошқа хусусиятларига эътибор қаратилади. Охирги пайтда «умумий марка» сиёсати кенг тарқалмоқда, бунда бир қатор маҳсулотлар учун маҳсулот маркази ишлаб чиқилади. Масалан «BONDUEL» савдо маркази остида, бир қатор қайта ишланган қишлоқхўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Қайта ишланган ва консерваланган кўк нохот, маккажўхори, қизил сабзи, кўзикорин, бодринг ва помидор маҳсулотлари шулар жумласидандир. Баъзи ҳолларда тил хусусиятлари ишлаб чиқарувчининг ташқи бозор учун махсус марказлар ишлаб чиқишини талаб қилади, чунки маҳсулот номи осон айтилиши, тўғри тушунилиши ва салбий тушунчаларни келтириб чиқармаслиги лозим.

Бозорда таклиф этилувчи қайта ишланган маҳсулотлар албатта ўраб -қадоқланиши зарур. Ўров (упаковка) бу - маҳсулотнинг сақланиши ва ташилиши учун қулайлик яратувчи ўров материалларини тайёрлаш ва ишлаб чиқариш ҳисобланади.

- Маҳсулот ўрови турлича бўлиши мумкин, уларнинг ҳар бири уч қатламдан иборат бўлади:
- ички ўров - бевосита маҳсулот сақланадиган қисм;
 - ташқи ўров - маҳсулотни ички ўров учун хизмат қилувчи ва маҳсулотни бевосита фойдаланишга тайёрлашда олиб ташланувчи материал;
 - транспорт ўрови - маҳсулотни транспорт орқали ташиш, сақлаш ва уни таниб олиш учун фойдаланилади.
- Унинг узвий ва ажралмас қисми, маҳсулотга маълумотлар киритилган ёрликни қандай қисмига ёпиштириш ёки

тамғалаш. Ўровнинг қиймати унинг хусусияти ва мақсадига боғлиқ равишда турли ҳил бўлиши мумкин: бир неча %дан тортиб то товар қийматининг ярмигача.

Маҳсулот ўровига бўлган асосий талаблар:

- маҳсулот бузилиши ёки шикастланишидан химоя қилишни таъминлаш;
- маҳсулот рекламасини таъминлаш;
- маҳсулотни транспорт орқали ташиш ва омборларга жойлаштиришда қулайликни таъминлаш;
- маҳсулот имиджини яратиш.

Маҳсулот ўрови материали товар кўринишига эга бўлиши, осонлик билан йўқ қилиниши, ҳавфсиз бўлиши ва осонлик билан қайта ишланиши лозим. Қоидага кўра, ўров ҳажмининг ўзи уни тайёрлаш учун ишлатилган материал ҳақида, унинг ранги ва хоказолар хақида тасаввур уйғонишига имкон беради. Ўров тузилиши ишлаб чиқилгандан сўнг уни бир қатор синовлардан ўтказиш лозим. Техник синовлар товар ўрови нормал эксплуатация талабларига жавоб беришини аниқлаб беради (матннинг ўқилиши ва рангларнинг мос келиши, уларнинг юклаш учун қулайлиги ва хоказо).

Маҳсулот сифати унинг истеъмолчиларнинг муайян эҳтиёжларини қондириш ва белгиланган талабларга мос келиш қобилиятини аниқловчи хусусиятдир. Маҳсулот сифатининг техник меъёрлари миллий ва халқаро миқёсда белгиланиши мумкин. Бу меъёрлар маҳсулотнинг техник кўрсаткичларига бўлган зарур стандарт талабларини тартибга солади.

Маҳсулот сифатининг техник меъёрий ва стандартларга мос келиши товар сиёсатининг халқаро бозордаги имкониятларини аниқлаб беради. Турли мамлакатларнинг стандартлари бир-бирига мос келмаслиги, истеъмолчилар

хоҳиш-истаги турлича бўлган географик сегментлар учун маҳсулот ишлаб чиқариш муаммоларни туғдиради.

Маҳсулот қадоғи - бу жуда муҳим реклама муҳитидир. Экспортга йўналтирилаётган маҳсулотнинг қадоғи ички бозорга мўлжалланган маҳсулотникидан фарқ қилиши мумкин. Чунки қадоқлашда экспорт бозорининг талабларини, харидорларнинг афзалликлари ва рақобатчиларнинг таклифларини инобатга олиш керак.

Қадоқлашга бўлган умумий талаблар барча экспортчиларнинг базис шартларда етказиб беришда юклар бутунлигини таъминлаш мажбуриятлари билан белгиланади. Қадоқлаш экспорт қилинаётган маҳсулотнинг тўлиқ сақланишини таъминлаши ва уни кўчиришларни ҳисобга олган ҳолда барча транспорт турларида ташишда шикастланишлардан эҳтиётлаши, шунингдек маҳсулотни иқлимий таъсирлардан эҳтиётлаши лозим. Импорт корхоналари томонидан қадоқлашга нисбатан махсус талабларни илгари сурилиши, қадоқлашга бўлган талабларни ошаётганидан далолат беради. Қуйидагилар бундай талабларнинг сабаблари бўлиши мумкин: харидорларнинг у ёки бу қадоқланган маҳсулотга бўлган талабларини ўзгариши импорт корхоналари экспорт корхонасига маҳсулотни янги ва махсус қадоқланиши бўйича талаблар кўйишига сабаб бўлмоқда; импорт корхонаси ўз ихтиёридаги мавжуд транспорт воситаларига мувофиқ оғирликлар ва юк жойларининг ўлчамларига нисбатан ҳам алоҳида талаблар кўймоқда ва ҳоказо. Бундай сабаблар кўп бўлиши мумкин, лекин қадоқлашга нисбатан ҳаддан зиёд махсус талаблар импорт операцияларининг тежамкорлигини пасайтириши мумкинлигини доимо назарда тутиш лозим.

Тамғалаш (Маркировка) - юкни ташиш ва қабул қилиб олувчига топшириш учун зарур бўлган маълумотларни ўз ичига олган шартли белгидир. Товар, жўнатувчи, махсус ва транспорт тамғаларига бўлинади.

Юкларни тамғалаш ташқи савдо операцияларининг муҳим қисмидир. У қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Маҳсулот, юкни жўнатувчи ва қабул қилиб олувчи, транспорт воситалари ва бошқалар ҳақидаги (шартнома рақами, жойларнинг оғирлик ўлчамлари тавсифлари, жойнинг рақами, жойлар сони ва хоказо) маълумотни қамраб олувчи ахборотни тақдим этади;
- Юк ташувчи корхоналарга товар билан муомала қилиш бўйича кўрсатма ҳисобланади;
- Зарур бўлганда юк билан муомала қилишни ифодаловчи хавф-хатарлар тўғрисида огоҳлантириш учун қўлланилади. Бу вазифалар экспортчи томонидан босилиши лозим бўлган тамғанинг мажбурий реквизитларини белгилайди. Булардан ташқари агар бу шартнома шартларига зид бўлмаса, реклама тамғаси ҳам босилиши мумкин.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тамғалашнинг сифати ва ундаги ахборотнинг тўғрилиги учун маҳсулот етказиб берувчи (хоҳ у ишлаб чиқарувчи, хоҳ экспорт корхонаси хоҳ бошқа бошқа ташкилот бўлсин) жавобгардир.

Маҳсулот тамғаланишининг таркиби ва мазмуни у билан ҳавфсиз муомала қилишни таъминлаш учун етарли бўлиши лозим. Тамғалашни бажариш учун талаб этиладиган ахборот тамғалаш маълумотига ахборотига тааллуқли масалаларда ваколатли бўлган манбалардан ва амалдаги меъёрий-техник ҳужжатларга мувофиқ ўтказилган зарурий мустақил тадқиқодлар (синовлар) натижасида олинади. Тамға аниқ ва тушунарли бўлиши, шунингдек ўрам (маҳсулот) рангига нисбатан ажралиб туриши ва жойлаштирилиши лозим. Тамға иқлимий омиллар таъсирига чидамли бўлиши лозим. Маҳсулотни тамғалашни бирон бир усул билан таъминлаш амалда имкони бўлмаганда, тегишли ахборот ҳар бир бирлик маҳсулотга илова қилинадиган ҳужжатларда баён


этилган бўлиши лозим. Тамғалаш ахбороти, тамғалаш жойи, уни босиш усуллари, тамғалашни бажариш сифати ва унинг назоратига нисбатан аниқ талаблар меъёрий-техник ҳужжатларда ёки маҳсулотни етказиб бериш шартномаларида белгиланади. Бунда ортиқча ёки зарур бўлмаган тамғалашдан ҳоли бўлмоқ зарур. Масалан озиқ-овқат маҳсулотлари тамғаланганда, Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва ҳавфсизлиги тўғрисида» ги қонунига биноан қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши шартдир:

- озиқ-овқат маҳсулотининг номи;
- озиқ-овқат маҳсулотининг (болалар ва диетик овқатлантиришга ихтисослаштирилган маҳсулотлар учун қандай мақсадга мўлжалланганлиги ишлаб чиқарувчи номи;
- мол белгиси, бундай белгига эга бўлганлар учун озиқ-овқат маҳсулотининг таркиби;
- озиқ кучи, нави;
- сақлаш шароитлари;
- тайёрланган вақти, яроқлилик муддати;
- тайёрлаш усули (яримфабрикат ва болалар, диетик овқатланиши ихтисослаштирилган маҳсулотлар учун);
- вазни;
- фойдаланиш усуллари (биологик фаол ва озиқ кўшимчалар, болалар, диетик овқатланиши ихтисослаштирилган маҳсулотлар учун);
- мувофиқлик белгиси (маҳсулотни мувофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқига эга (лицензияси бор) корхоналар учун);
- меъёрий ёки техник ҳужжатнинг тартиб рақами.


Экспорт қилинадиган маҳсулотлар штрих кодланади.

Штрих код – бу қора ва оқ чизиқлар кетма-кетлиги бўлиб улар баъзи маълумотларни техник воситалар орқали ўқиш учун қулайлик яратади ва улардан асосан савдода, омбордаги ҳисоб – китобларни юритишда, кутубхона ва почта ишида, кўриклаш тизимида қўлланилади. Жаҳон савдо амалиётида маҳсулотларни тамғалаш учун EAN русумли штрих кодлар қўлланилади. Қабул қилинган тартибга асосан, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона маҳсулотга штрих код қўяди, бу куйилган штрих код маҳсулот ишлаб чиқарилган мамлакат ва ишлаб чиқарувчи корхона хақидаги маълумотни берадиган код булади. Ишлаб чиқарувчи корхона уз кодини олиш учун EAN INTERNATIONAL ташкилотининг минтақавий бўлинмасига мурожаат этади ва улар шу корхона учун тегишли штрих кодни рўйхатдан ўтказиб берадилар. Шундай тартибда штрих кодлашни рўйхатдан ўтказиш, икки ҳил маҳсулотни бир код остида чиқишига йўл қўймайди.

Маълумотни кодлашни хар-хил усуллари бор: штрих кодлар ёрдамида ҳамда рамзлар ёки ҳар-ҳил белгилар билан кодлаш рамзлар ва ҳар-ҳил белгилар ёрдамида штрих кодлаш бир чизиқли (оддий) ва икки қаватли бўлади. Бир чизиқли (оддий) штрих кодлаш деб бир йўналишда (горизонтал) ўқиладиган штрих кодлашга айтилади. Бир чизиқли (оддий) штрих кодлашни кўп тарқалган турлари қуйидагилардир: EAN, UPC, Code39, Code 128, Codabar, Interleaved 2 of 5. Бир чизиқли (оддий) штрих кодлар маълум даражадаги (20-30-гача, асосан сонлардан иборат) маълумотларни кодлашда қўлланилади ва улар осон ўқилади. Масалан: EAN-13 штрих кодлаш русуми;



Икки қаватли штрих кодлаш деб матни бир неча бетдан иборат маълумотни кодлашга айтилади. Икки қаватли штрих кодлар махсус сканерлар ёрдамида ўқилади ва улар ёрдамида жуда кўп маълумот тезда ва бехато кодланади. Бундай штрих кодлар икки йўналишда (горизонтал ва вертикал) ўқилади. Бундай штрих кодлашни Datamatrix Data Glyph ва Aztek каби турлари кенг тарқалган.



Штрих кодларни ўрамларни тайёрлаганда ёнига туширишади ёки махсус принтерларда ўзи ёпишадиган этикетка тариқасида печат қилишади

Штрих кодларни ўқишда махсус ускуналардан фойдаланилади, улар штрихкодлар сканери деб аталади. Сканер ўзидаги ёруғлик билан штрихкодни ёритади ва ундаги расмни ўқийди, ундаги штрихкодларни қора чизиқларини сонини аниқлайди. Масалан ҳаммамиз учун таниш бўлган супермаркетлар мисолида штрихкодларни ўқилишини кўрамиз, маҳсулотларни ҳарид қилгандан сўнг кассага келамиз. Унда олинган ҳар бир маҳсулотни махсус декодер орқали штрихкодни ўқиб касса апаратига маълумот юборилади.

Штрихкод орқали маҳсулот ҳақида тегишли маълумотлар олинади. Дунёда энг кўп тарқалган штрих кодлар тизими Американинг универсал маҳсулот коди UPC ва Европа EAN кодлаш тизимидир, булар ичида энг тарқалгани бу EAN - 13. Тизимларни ҳар қилликларини инобатга олиб, ҳар турдаги маҳсулотга ўзининг номери берилади, бу номерлар асосан 13 рақамдан иборат бўлади.

Масалан; бизда кўп учрайдиган EAN-13 штрих кодлашни кўриб чиқамиз:

4820024700016 рақамли кодни кўриб чиқамиз бунда биринчи уч рақам (**482**) маҳсулот чиқарган мамлакатни коди, одатда бу рақамлар 2та ёки 3 та бўлиши мумкин, кейинги 4та ва 5та рақам мамлакатнинг коди узунлигига (2та ёки 3 та) қараб, (**0024**) маҳсулот ишлаб чиқарган корхона коди, кейинги 5та рақам (**70001**) бу маҳсулот коди булиб, у маҳсулот номи, уни талаб хусусиятлари, хажми, оғирлиги ва рангларини билдиради, ҳамда охириги **6 (олти)** рақами назорат рақамидир, уни асосан штрих кодларни ўқиганда сканер орқали тўғри ўқилганлигини текширишда ишлатилади.



Келинг, маҳсулотга тегишли 5 та рақамдан иборат кодни кўриб чиқамиз;

- биринчи рақам - 7 рақами, бу маҳсулотнинг номи;
- иккинчи рақам - 0 рақами, бу маҳсулотнинг талаб хусусияти;
- учинчи рақам - 0 рақами, бу маҳсулотнинг хажми ва оғирлиги;
- тўртинчи рақам - 0 рақами, бу маҳсулот ингредиенти;
- бешинчи рақам - 1 рақами, бу маҳсулотнинг рангини билдиради.

Маҳсулотни ҳақиқийлигини аниқлаш учун, учун қуйидаги масала ишлаб чиқилади:

- Штрих код рақамлар кетма-кетлигида жуфт турган рақамларни қўшиб чиқамиз; $8+0+2+7+0+1=18$
- Ҳосил бўлган қийматни 3га кўпайтирамиз; $18 \times 3 = 54$
- Штрих код рақамлар кетма-кетлигида тоқ турган рақамларни (назорат рақамидан ташқари) қўшиб чиқамиз; $4+2+0+4+0+0=10$
- Иккинчи ва учинчи устундаги якуний қийматларни

кўшамиз; $54+10=64$

- Тўртинчи устунда ҳосил бўлган қийматдан ўнликларни айирамиз; $64-60=4$

- 10 рақамидан бешинчи устундаги қийматни айирамиз; $10-4=6$

Ушбуларни амалга оширганимиздан кейин ҳосил бўлган қиймат (6) – штрих коддаги назорат рақами билан бир хил бўлса – бу маҳсулот ҳаққоний ишлаб чиқарилган, агарда юқоридаги рақамлар бир-бирига мос келмаса, маҳсулот ноқонуний ишлаб чиқарилган бўлади. Одатда мамлакат коддини EAN Ҳалқаро Ассоциацияси белгилайди ва у 2 ёки 3 рақамдан иборат бўлади. Масалан Ўзбекистон - 478, Россия - 460, Украина - 482, Япония - 45, 49, Норвегия - 70. Ўз хоҳишига кўра тадбиркор корхонанинг GS1 таснифлаш ва кодлаш соҳасидаги рўйхатга олиш рақами ва ишлаб чиқарилаган маҳсулотини коддини «GS1 Uzbekistan» корхонасига мурожаат қилиб, олиши мумкин. «Ўзстандарт» агентлиги штрихли коднинг асл-макетини тайёрлайди ва тақдим этади. Маҳсулотни штрих коддини ўрнатиш хорижий савдо тармоқлари ва мажмуаларнинг мажбурий талабидир.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИГА МАҲАЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ТАЛАБЛАРИ ВА СЕРТИФИКАТЛАШ ШАРТЛАРИ

Стандартлаштириш ҳақиқий, мавжуд ёки содир бўлиши мумкин бўлган масалаларни ечишга, сифат эса белгиланган ва мўлжалланган эҳтиёжларни қондиришга қаратилган. Бунда стандартлаштириш бўйича фаолиятнинг энг муҳим натижалари маҳсулотнинг ўз вазифасига мувофиқлик даражасини ошириш, яъни белгиланган ва мўлжалланган эҳтиёжларни қондиришдан иборатдир.



Белгиланган ва мўлжалланган эхтиёжларни қондиришни таъминловчи маҳсулот тавсифлари мажмуи меъёрий ҳужжатларда белгиланади. «Меъёрий ҳужжат» таркибига стандартлар ва техник шартлар киради. Меъёрий ҳужжатларни юқори илмий-техник даражада бўлишини таъминлаш зарур.

Бу масала қуйидаги йўл билан ҳал қилинади:

- халқаро, давлатлараро, ҳудудий стандартларни қўлланиши;

- мамлакатимиз меъёрий ҳужжатларини халқаро, ҳудудий стандартлар билан уйғунлаштириш;

- меъёрий ҳужжатларда анъанавий технологияларнинг имкониятларидан илгариланувчи, келажакка мўлжалланган дастлабки талабларни ўрганиш (олдиндан стандартлаштириш);

- маҳсулотнинг техник савиясини ва сифатини ошириш бўйича чора-тадбирларни кўриш мақсадида меъёрий ҳужжатларнинг айрим тавсилотларини ўхшаш маҳсулотга хорижий стандартнинг кўрсаткичлари билан таққослаш;

Маҳсулот сифатининг даражаси ва маҳсулотнинг техник савияси тушунчаларини фарқлаш керак.

Маҳсулот сифатининг даражаси – баҳоланадиган маҳсулот сифат кўрсаткичларининг қийматларини мос кўрсаткичларнинг асос қийматлари билан таққослашга асосланган, маҳсулот сифатининг нисбий тавсилотидир.

маҳсулотнинг техник савияси – баҳоланадиган маҳсулотнинг техник такомиллашганлигини тавсифловчи кўрсаткичларнинг қийматларини мос кўрсаткичларнинг асосий қийматлари билан таққослашга асосланган, маҳсулот сифатининг нисбий тавсилотидир.

Бизнинг фермер хўжалиklarимизда қайта ишланган маҳсулотлар - бу асосан озик-овқат маҳсулотларидир. Шунинг учун биз стандартлаштириш ва сертификатлаш максалаларини шу йуналишда ўрганамиз.

Ўзбекистон Республикасининг «Озик-овқат маҳсулотининг сифати ва ҳавфсизлиги тўғрисида» ги қонуни 1997 йилнинг 30-августидида қабул қилинган.

Озик-овқат маҳсулотининг ҳавфсизлиги - озик-овқат маҳсулотининг санитария, ветеринария, фитосанитария меъёрлари ва қоидаларига мувофиқлигидир. Озик-овқат маҳсулотининг сифати - Озик-овқат маҳсулотининг истеъмол хоссаларини белгиловчи ва одамларнинг ҳаёти ва соғлиги учун унинг ҳавфсизлигини таъминловчи тавсилотлар мажмуидир.

Озик-овқат маҳсулотининг яроқлилик (фойдаланиш) муддати озик-овқат маҳсулотини сақлаш, ташиш, харидга кўйишда меъёрлар талабларига ва ҳавфсизлик қоидаларига

риоя қилинганда фойдаланишга яроқлилик муддати ва бу муддат ўтганджан кейин маҳсулот инсонларнинг ҳаёт ва соғлиги учун ҳавфли бўлиши мумкин. Озиқ-овқат маҳсулотинининг сифати ва ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат идоралари ва бошқариш доираси белгиланган. Қонунда озиқ - овқат маҳсулотининг сифати ва ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидимология хизмати, Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси, Бош давлат ўсимликлар карантини бўйича инспекцияси, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш "Ўзстандарт" агентлиги, қонун бўйича белгиланидиган бошқа идоралар томонидан амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат бошқарувида қуйидагилар киради:

- * давлат меъёрлари;
- * озиқ-овқат маҳсулоти ва уни тайёрлашда фойдаланиладиган жиҳозларнинг давлат рўйхати;
- * озиқ-овқат маҳсулотини сертификатлаш;
- * давлат назорати ва текшируви;
- * озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни режалаштириш.

Озиқ-овқат маҳсулотларини сифати ва ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат меъёрлари санитария, ветеринария, фитосанитария меъёрлари ва қоидаларини ва гигиеник меъёрларни, давлат стандартларини, озиқ-овқат маҳсулотининг сифат ва ҳавфсизлигига талаблари, маҳсулот ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сотиб олиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш, харидга чиқариш шартларини ўз ичига олган техник шартлар-меъёр ва

қоидаларни ўрнатиш йўли билан амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва ҳавфсизлиги тўғрисида» ги қонунида белгилаб қўйилган.

Озиқ-овқат маҳсулотларини сифати ва ҳавфсизлиги бўйича меъёрлар ва қоидалар қонунда белгиланган тартибда давлат идоралари томонидан тасдиқланади ва озиқ-овқат билан иш кўрувчи юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

Озиқ-овқат маҳсулотларини яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва ҳавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунининг талабларига мувофиқ, шунингдек технологик йўриқномаларни на рецептураларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

Яратиладиган янги маҳсулот буюртмачи (истеъмолчи) нинг талабларини қондириши ва инсонларнинг, атроф - муҳитнинг ҳавфсизлигини ҳамда бошқа белгиланган талабларни таъминлаши лозим.

Маҳсулотнинг янги тури, мавжудларидан фарқли равишда, истеъмолчиларнинг сўровномалари бор бўлганда ёки яратувчи ва тайёрловчи, шунингдек яратувчи ва буюртмачи ўртасида шартнома тузилганда, янги технологиялар, рецептуралар, истеъмол хоссалари билан сифатли фарқланувчи хом ашёнинг янги турларини қўллаш асосида яратилади. Корхоналар озиқ-овқат маҳсулотини, амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида, белгиланган тартибда, ишлаб чиқаришга етарли шароитлар бўлганда, текширув ва назорат идоралари вакилларининг иштирокида мажбурий малакавий синовларни ўтказиб, ишлаб чиқаришни ташкил этиши мумкин. Ҳавфсизлик ва сифат талабларини қондирувчи озиқ-овқат маҳсулотининг

янги турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйганда, фермер хўжалиги ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотига бўлган талабни ўрганади, ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий асосланишини шакллантиради, меъёрий ва технологик ҳужжатларни ишлаб чиқади ва гигиеник сертификат беришга маъсул органнинг қабул комиссиясига топширади ва унинг ишида қатнашади. Гигиеник сертификат олиш учун жойлардаги ДСЭМ (Давлат санитария-эпидемиология маркази) га мурожаат қилинади. Гигиеник сертификат қўлга киритилгандан кейин мувофиқлик сертификатини олиш учун иш бошланади. Бунда ишлаб чиқарувчи техник топшириққа мувофиқ технологик ва меъёрий ҳужжатни ва маҳсулот синовини ўтказилиши учун маҳсулотнинг тажриба нусхаларини тайёрлайди ва мувофиқлик сертификати беришга маъсул органнинг қабул комиссиясига топширади ҳамда унинг ишида қатнашади. Мувофиқлик сертификати олиш учун жойлардаги «Узстандарт» давлат агентлигининг бўлимларига ҳамда бошқа ваколатли тижорат органларига мурожаат этишлари мумкин. Гигиеник ва мувофиқлик сертификатини олганимиздан кейин ушбу маҳсулотни ички бозорда сотувга чиқаришимиз мумкин. Энди ушбу ишлаб чиқарилган маҳсулотни ташқи бозорда сотишни йўлга қўймоқчи бўлсак яна битта саертификат олишимиз керак – бу Маҳсулотнинг келиб чиқиш сертификатидир .

Маҳсулотнинг келиб чиқиши сертификатлари Ўзбекистон Республикасида маҳсулотнинг келиб чиқиш мамлакатини тасдиқлаш мақсадида расмийлаштирилади ва амалдаги қонунларга кўра, олиб кириладиган мамлакатда имтиёзлар олиш мақсадида қўлланиши мумкин. Маҳсулот келиб чиқишини сертификатлаш деб, маҳсулотнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш мақсадида экспертиза ўтказиш, сертификат бериш Ўзбекистон Республикаси маҳсулот келиб чиқиши сертификатларини тасдиқлаш ёки маҳсулотнинг бошқа мамлакатлардан келиб чиққанини тасдиқлашга айтилади.

Маҳсулотлар Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилинаётган вақтда сертификат фақатгина зарур бўлган ҳоллардагина ва тегишли контактларда ёки импортёр давлатнинг миллий қоидаларида белгиланган, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларида назарда тутилган ҳоллардагина, шунингдек экспортёр хоҳишига кўра берилади.

Маҳсулот келиб чиқишини сертификатлаш Ўзбекистон Республикасининг Адлия Вазирлигида 2010 йил 13 август 2131 сони билан рўйхатга олинган маҳсулот келиб чиқишини сертификатлаш қоидаси ҳақидаги Йўриқномага кўра амалга оширилади.

Сертификат олиш учун аризачи маҳсулот жўнатилиши керак бўлган жойдаги ваколатли органга ёзма ариза тақдим этади.

Аризага раҳбар ёки ваколатли маъсул шахс имзоси ва корхона муҳри қўйилган қуйидаги ҳужжатлар нусхаси илова қилинади:

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органларида рўйхатдан ўтган ва ҳисобга олинган, таъминловчи ва харидор ўртасидаги шартнома;

Маҳсулотнинг ортиладиган гуруҳига счёт – фактуралар (инвойс);

Ишлаб чиқарувчи, экспорт қилинаётган маҳсулот ишлаб чиқаришга қўлланиладиган хом-ашё ва таркибий қисмларнинг келиб чиқиши ҳақидаги (хом-ашё етказиб бериш учун шартнома, счёт – фактура ёки хом-ашё ёки таркибий қисмлар Ўзбекистон Республикасига олиб кирилишида божхона юк ташиш декларациялари) маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар;

Маҳсулот ишлаб чиқарилишида импорт компонентлар, хом-ашё ва материаллар, таркибий ва эҳтиёт қисмлардан

фойдаланилган маҳсулотларни келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш учун мурожаат қилинган ҳолларда юқоридаги ҳужжатларга қўшимча ҳужжатлар тақдим этилади.

Маҳсулот таннарини қўлланилган материаллар нархини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш (маҳсулот келиб чиқишини адвалор улуш қоидаси бўйича аниқлаш зарур бўлган ҳолларда);

Маҳсулот қайта ишланиши туфайли (келиб чиқиш мезонлари алоҳида такидланмаган ҳолларда) TIF TN бўйича маҳсулот позициясининг (маҳсулотнинг классификацион кодининг) тўртта биринчи рақамларининг бирортаси ўзгарганлигини асослаш.

Тўлиқ бўлмаган ҳужжатлар кўриб чиқилмайди.

Тақдим этилган ҳужжатлар ўрганиб чиқилганидан ва экспорт учун мўлжалланган маҳсулот гуруҳи мавжудлиги кўздан кечирилгандан сўнг ёки шартнома бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришнинг объектив шароитлари (таркибий қисм ва материаллар сотиб олиш) ўрганиб чиқилганидан кейин экспорт қилинаётган маҳсулот қайси келиб чиқиш ўлчовида тегишли эканлиги аниқланади: Ўзбекистон Республикасида тўлиқ ишлаб чиқарилган ёки Ўзбекистон Республикасида етарлича қайта ишланган. Маҳсулотларнинг алоҳида турлари импорт, экспорт ёки реекспорт қилинаётган вақтда уларнинг мазкур мамлакатдан келиб чиққанлигини тасдиқлаш учун божхона органларига Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан берилган ST-1 сертификат бланкаси ёки умумий шаклдаги сертификатлар бланкасида берилган маҳсулот келиб чиқишини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилиши мумкин.

Сертификатларни тасдиқлаш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасининг божхона омборхоналарида (дан) сотиладиган маҳсулотларнинг алоҳида

гуруҳларига, маҳсулотнинг асосий гуруҳи келиб чиқиш сертификати билан келиб тушган ҳолда;

Маҳсулотга нисбатан бўлган ваколатлар ўзга шахсга берилган ҳолларда;

Ўзбекистон Республикасига бошқа мамлакатлардан реекспорт тартибида келиб чиқиш сертификати билан олиб кирилган маҳсулотларга.

Сертификат тасдиқланилишига эга бўлиш учун аризачи маҳсулот божхона расмийлашуви амалга ошириладиган жойдаги ваколатли органга ёзма ариза тақдим этади. Аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади: Экспорт ёки реекспорт мамлакатида белгиланган тартиб ва шаклда ваколатли орган томонидан берилган сертификатнинг асл нусҳаси ёки дубликати, шу жумладан электрон шаклда;

Маҳсулот кузатув ҳужжатларининг тасдиқланган нусҳалари (инвойслар, қадоқлаш варақалари, божхона белгиси қўйилган транспорт ҳужжатлари, божхона юк декларацияси (мавжуд бўлса), ваколатли органларда рўйхатдан ўтган ва ҳисобга олинган шартнома, маҳсулотга нисбатан бўлган ваколатлар ўзга киши зиммасига ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

ЯНГИ ҲОСИЛ ВА ҚАЙТА ИШЛАНГАН МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИ КОРХОНАЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА МОЛИЯВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини татбиқ этиш доирасида тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини рағбатлантириш ва кенгайтириш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилди.

Фақатгина жорий йилнинг ўтган даврида 360 дан ортиқ янги корхона экспорт фаолиятига жалб қилинди, 120 дан ортиқ янги маҳсулотларнинг экспорт қилиниши ўзлаштирилди, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, минерал ўғитлар, енгил автомобиллар ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган бошқа маҳсулотларнинг экспорт ҳажмлари сезиларли даражада ортди.

2016 йилда ташкил қилинган «Ўзагроэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компаниясининг маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқиш ва янги бозорларни ўзлаштириш бўйича фаолияти сезиларли даражада фаоллашди, натижада жорий йилнинг бошидан 230 минг тоннадан ортиқ мева ва сабзавотлар экспортга етказиб берилди.

Шу билан бирга, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти соҳасидаги фаолият таҳлили фойдаланилмаётган катта салоҳият сақланиб қолинаётганлиги ва мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари экспорт фаолиятида кенг кўламда иштирок этишлари учун бюрократик тўсик мавжудлигини кўрсатмоқда.

Шумуносабат билан, жорий йилнинг 21 июнида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган “Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор, аввало, барча мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг ўз маҳсулотларини ташқи бозорларга мустақил етказиб беришини қўллаб-қувватлаш ва шу асосда “Ўзагроэкспорт” АЖ монополиясини бекор қилишга қаратилган. **Шу мақсадда 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб барча тадбиркорлик субъектларига янги мева-сабзавот маҳсулотлари, узум ва полиз маҳсулотларини тўловни олдиндан 100 фоиз амалга ошириш шарти билан тўғридан-тўғри шартномалар асосида экспорт қилиш ҳуқуқи берилди.**

Таъкидлаш жоизки, ушбу чоралар мева-сабзавот маҳсулотларининг экспортини кенгайтириш билан биргаликда деҳқон ва фермер хўжаликларини ташқи бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, шужумладан, такрорий экинлар экиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини оширишга рағбатлантиради. Бу эса ўз навбатида, ишлаб чиқарилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг нархи ва сифати бўйича ташқи бозорларда рақобатдошлигини ошириш имконини беради. Энг муҳими, деҳқон ва фермер хўжаликлари етиштирган маҳсулотларининг ҳақиқий эгаси сифатида улардан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш, мустақил экспорт қилиш, даромадларини ошириш, оиласининг моддий фаровонлигини кўтаришлари мумкин бўлади, кўшимча валюта тушумлари эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уларни чуқур қайта ишлаш бўйича янги лойиҳаларни инвестициялаш учун имконият яратади.

Қабул қилинган қарорнинг муҳим жиҳатларидан бири, нафақат маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга, балки маҳсулотларни чет элга экспорт қилишда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга кўмаклашадиган ташқи савдо ташкилотларига ҳам экспорт фаолиятини амалга оширишда тенг шароитлар яратилди. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчи-экспорт қилувчилар учун қўлланиладиган амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган имтиёз ва қулайликлар эндиликда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари экспорти билан шуғулланадиган барча тадбиркорлик субъектларига татбиқ этилади. Бу экспорт билан тегишли тажриба ва зарур маблағларга эга, доимий равишда жаҳон бозори конъюнктурасини кузатиб борадиган ҳамда ташқи бозорларда ишончли ҳамкорлари бор ихтисослашган компанияларнинг маҳсулотлар экспорти билан шуғулланиши халқаро амалиётга тўлиқ мос келади.

Бундан ташқари, ушбу меъёрнинг татбиқ этилиши замонавий маркетинг усулларида, шунингдек, ташқи савдо компанияларининг имконият ва афзалликларидан максимал фойдаланиш имконини беради, бу ўз навбатида республикамиз экспорт салоҳиятини сезиларли даражада кучайтиришга, экспорт географияси ва маҳсулотлар экспорти номенклатурасини кенгайтиришга олиб келади.

Шунингдек, ҳужжатда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширадиган тадбиркорлик субъектларининг рухсат олиш тартибидан ўтишдаги, шу жумладан, маҳсулотларга мувофиқлик сертификатларини расмийлаштириш муддатларининг чўзилиб кетиши каби айрим қийинчиликлар юзасидан кўплаб давлат органларига мурожаатларнинг ечими ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан бундан буён сертификатлаш идоралари томонидан ишлаб чиқариладиган ва четдан олиб кириладиган маҳсулотларга мувофиқлик сертификатлари 3 иш кунидан кўп бўлмаган муддатда расмийлаштирилиши қатъий белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, қарорда ташқи бозорлардаги ноқулай конъюнктура шароитида ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни таннархидан паст нархда экспорт қилишга мажбур бўлган корхоналар учун солиқ юкини камайтириш чораси назарда тутилган. Шундай қилиб, Махсус эксперт комиссиясининг хулосалари асосида таннархидан паст нархларда экспорт қилинган товарлардан (иш, хизмат) тушум уларнинг амалдаги сотув нархларидан келиб чиққан ҳолда солиққа тортилади, бу ишлаб чиқарувчига солиқдан озод бўлган маблағлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини янада пасайтириш бўйича чораларни амалга ошириш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қарор меъёр ва тартибларининг амалга оширилиши республикамизнинг экспорт салоҳиятини кучайтириш, экспорт географиясини

кенгайтириш ва диверсификация қилиш, ташқи бозорларга маҳаллий маҳсулотларни олиб чиқишда замонавий маркетинг усулларида фаол фойдаланиш, шунингдек, маҳсулотлар экспорти билан шуғулланувчи корхоналар сонини кўпайтириш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини оширишга йўналтирилган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарни ва фермер хўжаликлар фаолиятини, уларнинг ташқи бозорларда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилишини иқтисодий рағбатлантириш, шунингдек, валюта бозорини янада либераллаштириш мақсадида давлатимиз томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги "Маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ 2017 йилнинг 1 августидан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ экспорт қилувчи хўжалик субъектларига маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспорт қилишдан валюта тушумларининг 25 фоизини мажбурий сотиш бўйича талаб бекор қилинади.

Экспорт қилувчи ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлаш, мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт имкониятларини самарали ва барқарор ривожлантиришни таъминлаш, агросаноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва аҳоли учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларга кенг қўламдаги банк-молия хизмат турларини кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 январдаги ПҚ-2740-сон қарорига мувофиқ «ЎЗАГРОЭКСПОРТБАНК» акциядорлик тижорат банкини ташкил қилинган.

Ушбу қарорга асосан «Ўзагроэкспортбанк» АТБнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

агросаноат маҳсулотлари, энг аввало мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилишни ҳамда етиштириш инфратузилмани ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини устувор даражада молиялаштириш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларнинг маблағларини жалб этиш;

агросаноат тармоқлари ташкилотларига ва унинг инфратузилмасига комплекс равишда кредит-ҳисоб-китоб хизматлари кўрсатиш;

агросаноат тармоғи ташкилотларини молиялаштириш учун хорижий инвесторлар, халқаро молия институтлари, чет эл банкларининг маблағларини жалб этиш, хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни ривожлантириш;

комплекс тарзда маркетинг таҳлилин ташкил этиш ҳамда халқаро бозорларнинг ҳолати ва уларнинг ривожланиш истиқболлари, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг экспорт имкониятлари тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот банкини шакллантириш;

Ўзбекистоннинг экспорт имкониятларини ахборот ёрдамида фаол ёритиш, жумладан, хорижий банклар, халқаро ташкилотлар, дипломатик ва савдо ваколатхоналари билан фаол ҳамкорликни амалга ошириш, шунингдек халқаро реклама-савдо ахборот тармоқларига тизимли кириб бориш йўли билан;

агросаноат маҳсулотлари, энг аввало мева-сабзавот маҳсулотини халқаро бозорларга олиб чиқиш бўйича стратегиялар ишлаб чиқишда банк мизожларига кўмаклашиш.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ, САҚЛАШ, ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ЭКСПОРТ ҚИЛИШ ҲАЖМЛАРИНИ КўПАЙТИРИШНИ ҚўЛЛАБ ҚУВВАТЛАШ

Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари кўпайтирилишини таъминлаш, уларни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш, ички бозорда нархларни барқарор сақлаш, деҳқон хўжаликларининг салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш ва улар фаолиятининг бозор механизмларини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг даромадларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 ноябрда “Сурхондарё вилоятида деҳқон хўжаликларининг имкониятларидан самарали фойдаланишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 382-сонли қарори қабул қилинган.

Ушбу қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Сурхондарё вилоятининг ҳар бир туманида Кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлик ва фермер хўжаликлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва «Ўзагроэкспорт» акциядорлик жамияти иштирокида масъулияти чекланган жамият шаклидаги агрофирмалар ташкил этилди.

Янгидан ташкил этиладиган агрофирмаларнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари қуйидагилар белгиланган:

деҳқон хўжаликларининг ер ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида улар билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш, экспорт салоҳиятини кўпайтириш ва қишлоқ аҳолиси бандлигини ошириш;

ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга буюртмаларни

жойлаштириш;

деҳқон хўжаликларини уруғлик фонди, экиш материаллари, минерал ўғитлар ва бошқа моддий-техника ресурслари билан таъминлаш;

мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, саралаш, калибрлаш, ўраб-жойлаш, шунингдек экспортдан олдин тайёрлаш;

деҳқон хўжаликлари билан биргаликда иссиқхоналар ва совутиш камералари, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи қувватларни ташкил этиш;

«Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси билан биргаликда республика шаҳарларида ва ташқи сотиш бозорларида мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш тизимини ташкил этиш.

Қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига:

агрофирмаларга улар ташкил этилгандан кейин бир ой муддатда уларнинг самарали фаолият кўрсатиши, шу жумладан айланма маблағлар шакллантирилиши учун уларнинг ҳар бирига камида икки млрд сўмдан кам бўлмаган миқдорда имтиёзли кредитлар ажратиш;

импорт бўйича асбоб-ускуналар, технологиялар харид қилиш ва қўшимча хизматлар учун ҳақ тўлашга кредитлар бериш учун ҳукуматлараро шартномалар ва давлат дастурлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолатлари берилмасдан жалб этилган хорижий кредит линиялари маблағларини йўналтириш;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Жамғарма билан биргаликда деҳқон хўжаликларида 2 сотихдан 10 сотихгача майдонда енгил конструкциялардан фойдаланиб иссиқхоналар ташкил этиш бўйича намунавий бизнес-режани икки ой муддатда

ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин, уларда Сурхондарё вилоятининг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда экспортга йўналтирилган мева-сабзавот экинларини устувор жойлаштиришни, навларни сифатли танлашни, уруғлик ва экиш материали етиштиришнинг прогноз ҳажмларини белгилаш;

Агрофирмаларни ташкил этиш ва уларнинг кейинги фаолиятини рағбатлантириш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Тошкент шаҳри туман филиаллари ва бўлимини Сурхондарё вилоятининг ҳар бир туманига бириктириш белгиланган.

Бундан ташқари Жамғарма ва «Ўзагроэкспорт» акциядорлик жамияти томонидан ташкил этиладиган агрофирмаларга уларнинг устав фонди миқдоридан қатъи назар, мева-сабзавот маҳсулотлари, полиз маҳсулотлари ва узум билан улгуржи савдо қилиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилган.

Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш усуллари,
ички ва ташқи бозорларда янги ҳосил ва қайта ишланган
маҳсулотларни сотиш маркетинги

А.Пўлатов

Ўқув қўлланма.

Нашрга тайёрловчи: В.Р. Аманликов -Иқтисодчи олим
Н. Р. Аманликова - Тошкент темир
йўл муҳандислари институти
«Тиллар» кафедраси ўқитувчиси

Дизайнер: Ў. Тажибоев

Хизматда фойдаланиш учун.



Хизматда фойдаланиш учун